

## Роббим, лаънати шайтондан сақла!

14:08 / 22.09.2019 3103

Абу Ҳумайд ёки Абу Усайдлардан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

**«Агар бирортангиз масжидга кирса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салом айтиб, сўнг:**

كَتَمْتُكُمْ رَبَّ آبَائِي لِحَدِّثْتُمْ هَلْ لِي

**«Аллоҳуммафтаҳ лий абваба роҳматик», деб айтсин. Чиққанида эса:**

كَلِّضَفَّ نَمَّ كَلَّاسًا يِّنْ إِمَّ هَلْ لِي

**«Аллоҳумма инний ас`алука мин фазлик», десин».** (Маъноси: Эй Раббим, Сенинг фазлингни сўрайман.)

Бу ҳадисни Имом Муслим ривоят қилганлар. Лекин у зотнинг ривоятларида **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салом айтсин»**, деган лафз йўқ. Ибн Сунний бу ривоятга

مِ يَحْرُلْ نَاطِيَّ شَلَّ نَمَّ يَنْذَعًا هَلْ لِي

**«Аллоҳумма аъизний минаш шайтонир рожийм»** (Эй Раббим, мени лаънати шайтондан сақла), жумласини зиёда қилганлар.

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***